

КОСМОСДА ЯНГИ БУЮК ҒАЛАБА

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

16 ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 203 (4194).

14

ОКтябрь

СЕШАНБА

1969 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин

КОСМОНАВТЛАР ГЕОРГИЙ СТЕПАНОВИЧ ШОНИН, ВАЛЕРИЙ НИКОЛАЕВИЧ КУБАСОВ, АНАТОЛИЙ ВАСИЛЬЕВИЧ ФИЛИПЧЕНКО, ВЛАДИСЛАВ НИКОЛАЕВИЧ ВОЛКОВ, ВИКТОР ВАСИЛЬЕВИЧ ГОРБАТКО, ВЛАДИМИР АЛЕКСАНДРОВИЧ ШАТАЛОВ, АЛЕКСЕЙ СТАНИСЛАВОВИЧ ЕЛИСЕЕВ ЎРТОҚЛАРГА

ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИНИНГ ТАБРИК ТЕЛЕГРАММАСИ

Қадрдон ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номидан сизларни «Союз-6», «Союз-7», ва «Союз-8» космик кемаларида парвоз қилаётганлигини билан қизгин табриклаймиз.

Космик фазони ўзлаштириш тарихида бошқариладиган уч кема биринчи марта аини бир вақтда Ер атрофидаги орбитада

учиб юрибди. Космонавтика соҳасидаги ана шу буюк муваффақият Совет фани ва техникасининг тараққиёти юксак даражага кўтарилганлигини, совет халқининг ижодий имкониятлари битмас-туганмас эканлигини исбот этувчи янги далилдир.

Бутун халқимиз сизларнинг топишириқни муваффақиятли бажариб, эсон-омон ерга қўнишингизни тилайди.

Сизларни кучиб, жонажон дёғримизда қўтиб турибмиз.

Л. И. БРЕЖНЕВ, Н. В. ПОДГОРНИЙ, А. Н. КОСИГИН.

«СОЮЗ-6» КЕМАСИНИНГ ЭКИПАЖИ



Кема командири подполковник Георгий Степанович ШОНИН.



Валерий Николаевич КУБАСОВ.



Кема командири подполковник Анатолий Васильевич ФИЛИПЧЕНКО.



Владислав Николаевич ВОЛКОВ.



Виктор Васильевич ГОРБАТКО.
В. Чередицев фотолари. (ТАСС).

«СОЮЗ-7» КЕМАСИНИНГ ЭКИПАЖИ

ТАСС АХБОРОТИ «СОЮЗ-6» КЕМАСИ КОСМОСДА

ОДАМ БОШҚАРАДИГАН ОРБИТАЛ
УЧИШЛАР ПРОГРАММАСИ ЮЗАСИДАН
ЯНГИ ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ТАДҚИҚОТЛАРИ

11 октябрь Москва вақти билан соат 14 дан 10 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Союз-6» космик кемасини учирадиган ракета парвоз қилди. Соат 14 дан 19 минут ўтганда «Союз-6» кемаси Ер йўлдошининг ҳисоблаб қўйилган орбита-сига ғоят аниқлик билан чиқазилди.

«Союз-6» космик кемасини подполковник Георгий Степанович ШОНИН бошқариб бормоқда, кеманинг борт-инженери — техника фанлари кандидати Валерий Николаевич КУБАСОВ.

Кема экипажи илмий-техникавий тадқиқотлар ва экспериментларнинг катта программасини бажариши, шу жумладан:

— «Союз» ракета-космик комплексининг борт системаларини ва тақомиллаштирилган конструкциясини комплекс равишда текшириб кўриши ва синаши;

— Мураккаб учиб режимларида кемани қўлда бошқариш уни мўлжал олдириш ва стабиллаш системаларини янада чиниқтириши ҳамда мустақил навигация воситаларини текшириб кўриши;

— Катта қўламда илмий кузатишлар ўтказиши ва Ернинг геология-география объектларининг фотосуратини олиши,

шунингдек олинган маълумотлардан халқ хўжалигида фойдаланиш методикасини тақомиллаштириш мақсадида Ер атмосферасини тадқиқ этиши;

Ер атрофидаги космик фазонинг физик характеристикаларини илмий тадқиқ этиши;

Космик учиб омилларининг инсон организмга таъсирини ўрганиш юзасидан медицина-биология тадқиқотлари ўтказиш лозим.

«Союз-6» кемаси учаётганида ғоят вакуум ва вазисизлик шароитларида ноёб технология аппаратларидан фойдаланиб, металлларни пайвандлашнинг хилма-хил усуллари ҳам синаб кўрилади.

Экипаж билан мустаҳкам радиоалоқа ва телевизион алоқа боғлаб турилибди.

Кема командири ўртоқ Георгий Степанович Шонин экипаж ўзини яхши ҳис қилаётганини айтди. Космонавтларнинг кабинасида ва орбитал бўлмада нормал шароитлар сақланиб турибди. Атмосферанинг босими, ҳарорати, намлиги ва газ состави ердагига мувофиқ келади.

Космонавтлар Шонин ва Кубасов ўртоқлар белгиланган учиб программасини бажаришга киришдилар.

ТАСС АХБОРОТИ

«СОЮЗ-7» — ОРБИТАДА КОСМИК КЕМАЛАР ГРУППА БЎЛИБ УЧИШМОҚДА

«Союз» кемаларини илмий техникавий тадқиқ ва эксперимент қилиш юзасидан белгиланган программа давом эттирилиб, 1969 йил 12 октябрь Москва вақти билан соат 13 дан 45 минут ўтганда Совет Иттифоқида иккинчи космик кема — «Союз-7» учирилди.

Космик кема экипажи: командир подполковник Анатолий Васильевич ФИЛИПЧЕНКО, борт-инженер Владислав Николаевич ВОЛКОВ, инженер-тадқиқотчи подполковник Виктор Васильевич ГОРБАТКОЛАРДАН ИБОРАТ.

Кема командири ўртоқ Филипченко берган маълумотга қараганда, орбитага чиқиш участкасидан нормал ўтиган, ҳамма космонавтлар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар. Кема системалари нормал ишлаб турибди.

«Союз-7» космик кемасининг вазибалари Ер атрофидаги космик фазода бир қанча илмий-техникавий экспериментлар ва тадқиқотлар ўтказишдан, чунинчи:

— орбитада маневр қилишдан;

— «Союз-6» ва «Союз-7» космик кемаларининг группа бўлиб училишида бирга-

лика навигация кузатишлари комплексини бажаришдан;

Самовий ёриткичлар ва Ер уфқини кузатишдан, юлдузларнинг ҳақиқий ёруғлигини аниқлашдан, Қўшнинг ёруғлик сочиш қувватини, аниқлашдан ва бошқа илмий экспериментлар ўтказишдан иборат.

«Союз-6» ва «Союз-7» кемаларининг экипажлари ўзаро мустаҳкам икки томонлама радио алоқа ўтатдилар.

12 октябрь куни Ер атрофидаги орбитага чиқариб қўйилган «Союз-7» космик кемаси Москва вақти билан соат 16 дан 33 минут ўтганга қадар Ер атрофини икки марта айланиб чиқди.

Кема орбитасининг параметрлари қуйидагича:

— Ер юзидан энг узоқ масофаси (апогейда) 226 километр;

— Ер юзидан энг кам масофаси (перигейда) — 207 километр;

— орбитанинг оғиши — 51,7 градус;

— Ер атрофида айланиш даври — 88,6 минут.

Шу вақтда «Союз-6» кемаси орбитасининг параметрлари қуйидагича эди:

— Ер юзидан энг узоқ масофаси (апогейда) — 230 километр;

— Ер юзидан энг яқин масофаси (перигейда) — 194 километр;

— орбитанинг оғиши — 51,7 градус;

— Ер атрофида айланиш даври — 88,6 минут.

Экипаж кема системаларининг техникавий характеристикасини аниқлаб олганидан кейин кема ҳолатини чамалаб кўриш ва уни қўлда бошқариш юзасидан программада белгиланган операцияларни бажарган.

«Союз-6» ва «Союз-7» кемалари командирларининг берган маълумотида қараганда кемаларнинг ҳамма системалари нормал ишлаб турибди.

Тадқиқотчи-инженер В. В. Горбатко билан борт-инженер В. Н. Волков иллюминаторлар сатҳининг микрометеоритлар таъсирида қанчалик нурашини ўрганиш мақсадида иллюминаторлар сатҳини тадқиқ қилдилар, шунингдек Ер юзасини кузатдилар, шундан сўнг медицина тадқиқотларини бажардилар.

«Союз-6» космик кемасининг экипажи группа бўлиб учиб программасига мувофиқ ишлашни давом эттирмоқда. Кема командири Г. С. Шонин кемани автомат бошқариш системасига зарур маълумотларни киритди ва вақтни аниқлаб олди. Борт-инженер В. Н. Кубасов кабинадан Ер юзини: Каспий денгизи соҳилини, Волга дарёсининг дельтасини, ўрмонзорларни ва шунингдек планетанинг булут қопланмини фотосуратга олди.

Ҳамма космонавтлар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар. Ҳаётни таъминлаш системалари бўлмаларда ишлаш учун жуда яхши шароитни таъминлаб бермоқда. Кемалар ўртасида ва Ер билан мустаҳкам радио алоқа қилиниб турибди.

Космик кемаларнинг биргаликдаги парвози давом этмоқда.

«СОЮЗ-8» КЕМАСИНИНГ ЭКИПАЖИ



Кема командири, полковник Владимир Александрович ШАТАЛОВ.



Кема борт-инженери Алексей Станиславович ЕЛИСЕЕВ.

ТАСС АХБОРОТИ «СОЮЗ-8» ОРБИТАГА ЧИҚАРИЛДИ

Бошқариладиган учининг умумий программасига мувофиқ, бугун 1969 йил 13 октябрда Москва вақти билан соат 13 дан 29 минут ўтганда учинчи Совет космик кемаси «Союз-8» Ер атрофидаги орбитага чиқарилди.

Космик кемани кема командири, Совет Иттифоқи Қахрамони, СССР Космонавт учувчиси полковник Владимир Александрович ШАТАЛОВ, борт-инженер Совет Иттифоқи Қахрамони СССР Космонавт учувчиси, техника фанлари кандидати Алексей Станиславович Елисеевлардан иборат экипаж бошқариб бормоқда. Улар шу йилнинг январь ойида «Союз-4» ва «Союз-5» кемаларининг парвозида қатнашган эдилар.

Группа бўлиб учиб давомиди бир қанча муҳим илмий-техникавий вазибаларни бажариш, шу жумладан:

— Кенг программага мувофиқ, Ер атрофидаги космик фазода илмий тадқиқотларни бир вақт ичида комплекс равишда ўтказиш;

— уч космик кеманинг аини бир вақт ичида группа бўлиб училини бошқариш мураккаб системасини чиниқтириш;

— Бошқариладиган космик системани чиниқтириш юзасидан бир қатор масалаларни ҳал этиш мақсадида кемаларнинг орбитада ўзаро моневр қилишини амалга ошириш кўзда тутилади.

Космонавт учувчи ўртоқ Шаталовнинг берган маълумотида кўра, космонавтар

ўзларини жуда яхши ҳис этмоқдалар.

Ҳар уччала кема экипажлари ўртасида радио орқали мустаҳкам алоқа ўрнатилди.

Бошқариладиган уч кемани Ер атрофидаги орбитада группа бўлиб училини биринчи марта амалга оширилмоқда. Ана шу кемаларнинг бортда етти космонавт учувчи бор.

Илмий-техникавий экспериментлар ва тадқиқотларнинг мўлжалланган программаси Ер атрофидаги космик фазо тўғрисида янги маълумотлар беради ва космик техникани тақомиллаштиришга ҳамда бу техникадан илмий ва халқ хўжалиги мақсадлари учун фойдаланишга ёрдам беради.

САМО БАҲОДИРЛАРИГА ОФАРИН!

«СОЮЗ-6» КЕМАСИНИНГ КОМАНДИРИ ЎРТОҚ Г. С. ШОНИННИНГ ПАРВОЗ ОЛДИДАН АЙТГАНЛАРИ

Ажиз дўстлар!
Бугун «Союз-6» кемасининг экипажи «Союз-3», «Союз-4» ва «Союз-5» кемаларида бошланган тадқиқотларни давом эттириш учун космик сафарга жўнайдми.
Совет кишининг космосга қилган ҳар бир парвози самовий кемаларни яратган олимлар, конструкторлар, инженерлар ва ишчиларнинг жуда катта ижодий меҳнатини яқинлайди. «Союз-6» кемасида янги парвозни амалга оширишдек юксак шон-шарафга муносиб бўлганимиз билан бахтиёримиз.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг қароридан айтганимиз, Ватан заминамизга юклаган масъулиятли вазифаларни биз бажо келтирамиз.

Кўришгунча хайр!
Жонажон еригимизда учраш-гунча хайр!
(ТАСС).

«СОЮЗ-7» КЕМАСИНИНГ КОМАНДИРИ ЎРТОҚ А. В. ФИЛИПЧЕНКОННИНГ УЧИШ ОЛДИДАН АЙТГАНЛАРИ

Ажиз ўртоқлар ва дўстлар!
Кеча биз ўртоқларимиздан Шонин билан Кубасовни космик сафарга кузатиб қолган эдик, бугун эса бизнинг «Союз-7» кемасида қонот бўлишига жўнаб кетмоқдамиз.
Бизнинг мамлакатимиз космик фазони изчиллик билан пилани равишда татбиқ қилмоқда ва ўлаштирмоқда. Ана шу олижаноб ишга биз ҳам ҳис-са қўшаётганимиздан фахрланамиз.

Бизга ишонч билдирганликларини учун партиямиз Марказий Комитетига ва Ҳукуматимизга қизғин миннатдорчилик изҳор қиламиз ва бизнинг олдимизга қўйилган вазифаларни бажариш учун бутун куч ва билимимизни сарфлаймиз, деб ишонтирамиз.

Кўришгунча хайр!
(ТАСС).



11 октябрда Совет Иттифоқида «Союз-6» космик кемаси Ер сунъий йўлдоши орбитасига чиқарилиди. Суратда: кема учувчиси, подполковник Г. С. Шонин ва кема борт-инженери В. Н. Кубасовлар ўз-ўзини медицина кўригидан ўтказиш вақтида.

ТЕНГДОШЛАРИНИНГ САМОВИЙ САФАР СОАТИ КОСМОДРОМДАН РЕПОРТАЖ

Монтаж — синов корпусининг дарвозаси очилиб, депога ўхшаш катта бино ичиди пўл шамоли эса бошланганда улар ҳали уйқуда эди. Тонг юлдузларининг шу дариқдаги мингиллаши космик сафарга йўл очилганлигини билдирувчи светорфорга ўхшайди.

Аммо ўрнатиб қўйилган ракета жўнаш сигналларни кутаётган афсонавий локомотивни эслатиб қизил-яшил турбиди. Унинг атрофидаги одамлар ҳам шовилмайди. Қизил ишлар маҳсули бўлган ракета билан ҳайрлангани унчалик осон эмас. Учтурувчи ракета билан кема яхлит қилиб туташтирилган шу жойда мингиллаш кишиларнинг меҳнати поёнига етди, шу сабабдан мана шу кишиларнинг ҳар бири бу ракетага ишонганидан меннинг ҳам деталим бор, деб айтишга ҳақли дейиш мумкин.

— Майда-чўдақларнинг бит-таси ҳам қолдирилмай ҳамма нарса текшириб чиқилди, дейиш мумкин, лекин буларнинг ҳаммаси асосий синовнинг «назоратидан» ҳали ўтгани йўқ. Бу синовнинг номи — космос.

— Сафар олдида, бироз ўтириб олесамкин?

Русларнинг яхши одати бўйича меннинг олдимда турган икки ишчи дарров ўтиришди. Худди улар ўзларининг жуда яқин ва жонажон кишиларини сафарга жўнаётганидек термиллиб ўтирар эдилар. Платформа астагина силкингандан кейин одамлар ҳам унга эргашиб йўлга тушди. Улар воқеалар вагон кетидан бораётган одамларга ўхшарди. Ракетанинг ёнида бош конструктор ҳам бораётди. Булар дарвоза олдида етганда тўхтаб қолди, ракета эса йўлини давом эттирарди. Оддийгина меҳнаткаш тепловоз ракетани старт жойига тортиб бормоқда эди. Унинг дарҳақида машинистнинг ташвишли чехраси кўринди.

— Бизнинг ветеранимиз, — дейишди менга, Космонавтлар севиб қўйлайдиган қўшиқдаги: «На-ни, машинист аста-секин йўлга тушавер, аммо йўлда қўшиқингни унутма» деган сатрлар бу ердаги ҳолатни менга ифодалаб бергандек бўлди.

Старт комплексида эса ракета-ни кутиб туришган эди. Энди уни ўрнатиш керак. Андиқ командадорлар бирин-кетин берилиб турди.

— Растайшлар олдинки! Тур-ничиш тайёр! Бешинчи тайёр! Бу гапларни мутахассислар ўзларига тошпирилган ишнинг тахт бўлганлиги тўғрисида хабар қилиб, ўз постларидан айтиб туришди.

Мана ракета ҳам худди йўлда катта соат миля каби охирига кўтарила бошлади. Ракетани ўрнатувчи аппарат уни тиклаб қўймоқда эди. Сал фурсатда бу иш ҳам поёнига етди. Старт қурilmасининг фермалари ракетани маҳкам қучоқлаб олди.

Старт командаси монтаж на-марларини шайқиллаб лифтага ўтишди ва хизмат кўрсатувчи майдончасига кўтарилишди. Кабель-мачта узок сафар олдида ракетат-га ер кучини охириги марта ба-ғишламоқчи бўлиб, уни ўз оғуши-га олди.

Космонавтларнинг номлари биз-га маълум эди. Булар: Кема ко-мандири подполковник Георгий Степанович Шонин, борт-инжене-ри Валерий Николаевич Кубасов.

...Журналистлар ҳамма нарса билан биринчи бўлиб танишди-лар. Биз космонавтларни биринчи марта давлат комиссиясининг мажлисида кўрган эдик. Шу маж-лисида «Союз-6» космик кемаси экипажининг состави тасдиқланган эди. Георгий Шонин дастлаб биз-га ҳаёжонланиб турган кишидек бўлиб туюлди. Лекин у ўзини бо-си олиб топириқни бажаришга тайёр эканлигини оёқшайиш билан айтди. Кулранг костюм кий-

ган ва яшил галстукли Валерий Кубасов вазининга бўлиб ўтириб-ди. Булар бутунлай бошқача ки-шилар бўлса ҳам, аммо сирдан қараганда уларда қандайдир ўх-шашлик бордек кўринади. Ўйчан, салгина қисқроқ қўралай қўла-рини туфайли шундай туюлдикин?

Вазиятнинг танитаворлиги ҳам ўз таъсирини ўтказиб турибди. Ал-тир, Шонин сўнг ордан бир кучи ўтгач, расмийчилик вааяти-дан камайганидан кейин Георгий тулдасталар қўйилган столча ёнида ўтириб таъассум билан қўшлар-ини нимдаран экан, маъжубот конфе-ренциясида ҳозир бўлганларга ўзи-ҳақида жуда қисқа гапириб берди. Фотоаппаратлар ва кинокамералар тўхтовсиз суратга олиб турган шаронда бундан кўра кўпроқ га-пирининг иложи ҳам йўқ эди. Зотан шижоат кўрсатиш учун у-га фақат ҳуқуқинга берилган эди, холос.

Шониннинг космодром томон борадиган йўли Луганск област-ининг Равенки қишлоғидан бошла-ниб Балти шаҳрининг етти йил-лик мактаби орқали ўтди. Сўнгги Ленин орденли ҳарбий деңиз авиация билм юртида ўтди. Болтш флоти ва Шимолш флот авиацияларида хизмат қилди. Кўб-роқ осмонда учиб Георгий Юрий Гагариннинг ҳамкасби бў-либ қолди. Шонин ўз тарихида ҳолининг шу қисмига муфассал-роқ тўхтади. Бунинг энг муҳим, деб ҳисоблаганини учун шундай қилган бўлса керак.

У ўз ҳаётида жуда кўп одам-ларга дуч келди. Георгий Шонин жаҳондаги биринчи космонавтни шуларнинг энг муҳими, деб ҳисоб-лайди.

— Юра билан биз турли пол-каларда хизмат қилдик. Юра тўғ-рида кўп гапирилган. Лекин у ко-смосга қилган сафаридан сўнг мен-

га фавқуллодда киши бўлиб кўри-нибди. Оддийгина бир йилгиди шун-чалик рус донишмандлиги, хикмати бор эканлиги сира ҳаёлимга ҳам келмаган эди. Ўнг катта ўта юк-лашлардан ҳам оғирроқ бўлган шун-ҳудат юкига 27 ёнда бардош бериш ҳар қандай мард кишининг ҳам қўлдан келармайдми.

Хар бир киши бунинг мағзини нақса арийди.

Валерий Кубасов ўз командир-ининг тенгдоши. У ҳам 1935 йил-да тутилган. Агар уларнинг тар-жимай ҳолатларни таққослаб қара-сангиз, икковининг таржимай ҳо-лидаги фарқ географик нуқта-лар-дан, ўз билми ва қуларини қай соҳага сарфлаганликларидангина иборат бўлганлигини кўрасиз.

— Биринчи биринчи сунъий йўл-доши учирилганда, деди Вале-рий мен ҳали Москва авиация институтининг студенти эдим. Ке-йин корхоналарда ишладим, ко-смосда турли касбадаги мутахасс-ислар керак бўлди. Шунинг учун ҳам берган аризамни инобатга олиб, мени космонавтлар оғради-га қабул қилдишди, Елисеевнинг ду-б-лери бўлиб учинишга тайёрландим.

Шу гапларнинг замирида бир неча йил давом этган қизғин иш-тибди. Валерийнинг истеъдоди мутахассис деб ҳисоблашди. У диссертацияни муваффақият-ли ёқлаб, техника факультетидаги даражасини олди ва инженер-лик билмлари билан қўролланиб космос сафарига жўнамоқда. Биринчи космик борт инженер Алек-сей Елисеевнинг айтганларини эс-лаб қўрайлик: «Кеманинг мате-риал қисмини ва унинг ҳамма системаларини аъло даражада би-лиш зарурлигини жуда муҳим, деб ҳисоблайман» деган эди Ели-сеев.

Валерий Кубасов — иккинчи космик борт инженер, Соёқ дуб-



КОСМОНАВТ В. В. Горбатий кишки машқ вақтида.



«СОЮЗ-7» космик кемасининг командири А. В. Филипченко катта урли Александр билан шахмат ўйнамоқда. Чапда — рафиқаси Елизавета Александровна, ўнгда — кичик ўғли Игорь.

1356.000

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 13 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунда, учинчи стун — мавсум бошидан бери, тўртинчи стун — бир кунда машинада терилгани, бешинчи стун — мавсум бошидан буюн машинада терилгани.

Оққўрғон	2,69	49,77	2,41	45,48
Янгийўл	1,72	46,43	1,65	26,46
Ўрта Чирчиқ	1,28	38,21	0,94	25,84
Оржоникидзе	0,60	34,18	0,80	27,90
Бекобод	1,72	27,95	0,80	9,53
Бўна	1,78	27,27	1,29	16,94
Юқори Чирчиқ	0,35	26,39	0,01	28,30
Область бўйича	1,78	37,62	1,45	26,93

тонна уғун


ОБЛАСТЬ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 11 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Хўжаликларнинг номи	Мавсум бошидан бери	Машина терими	Қайси райондан
---------------------	---------------------	---------------	----------------

КОЛХОЗЛАР			
1. «Заря коммунизма»	82,81	97,90	Оққўрғон
2. «Халқ номи	77,15	89,78	Оққўрғон
3. «Ленинград»	74,65	124,63	Оққўрғон
4. «Победа»	70,78	98,20	Оққўрғон
5. Охунбобоев номи	67,78	59,37	Ўрта Чирчиқ
6. Ленин номи	67,06	80,54	Оққўрғон
7. «Москва»	62,19	70,75	Оққўрғон
8. Киров номи	61,71	78,10	Оққўрғон
9. Жданов номи	61,46	49,79	Янгийўл
10. Калинин номи	58,70	68,00	Оққўрғон
11. «Партия XX съезди»	55,98	44,38	Ўрта Чирчиқ
12. «Интернационал»	54,03	39,52	Янгийўл
13. Терешкова номи	53,74	37,50	Ўрта Чирчиқ
14. Энгельс номи	52,74	64,67	Оққўрғон
15. «Озод»	52,56	38,75	Оққўрғон
16. Охунбобоев номи	52,10	45,74	Оққўрғон
17. Свердлов номи	51,16	5,27	Янгийўл
18. «Қизил Октябрь»	50,68	33,14	Янгийўл
19. «Ленинбод»	50,03	54,59	Оққўрғон
20. «Ленинизм»	49,38	35,12	Янгийўл
21. «Фрунзе номи	49,30	31,41	Янгийўл
22. «Коммунизм»	49,10	46,80	Янгийўл
23. «Ленинский путь»	48,33	65,80	Юқори Чирчиқ
24. «Коммунизм»	47,88	37,60	Оққўрғон
25. Димитров номи	47,78	62,21	Оққўрғон
26. Навоий номи	46,70	44,00	Оққўрғон
27. «Партия XXI съезди»	46,14	18,83	Янгийўл
28. «Партия XXII съезди»	45,43	32,75	Оққўрғон
29. Калинин номи	45,20	9,50	Янгийўл
30. Свердлов номи	44,47	63,31	Оққўрғон
31. К. Маркс номи	43,76	31,25	Ўрта Чирчиқ
32. К. Маркс номи	43,67	18,96	Янгийўл
33. Киров номи	43,31	28,18	Янгийўл
34. «Полярная звезда»	43,05	33,36	Ўрта Чирчиқ
35. Х. Турсунқул номи	41,83	—	Янгийўл
36. Ленин номи	41,65	18,39	Янгийўл
37. Охунбобоев номи	41,51	24,90	Янгийўл
38. «Ленинград»	40,84	2,22	Янгийўл
39. Навоий номи	40,77	15,22	Янгийўл
40. «Гулистон»	40,48	44,88	Оққўрғон
41. Калинин номи	40,35	31,37	Ўрта Чирчиқ
42. «Ленинизм»	39,50	45,40	Оққўрғон
43. К. Маркс номи	39,32	27,30	Оққўрғон
44. Куйбишев номи	39,10	24,42	Ўрта Чирчиқ
45. Энгельс номи	38,99	10,95	Янгийўл
46. Икромов номи	37,57	—	Ўрта Чирчиқ
47. Х. Олимжон номи	37,51	30,75	Оққўрғон
48. С. Раҳимов номи	36,62	7,10	Янгийўл
49. Ибнзев номи	36,59	14,70	Янгийўл
50. «Коммунизм»	36,51	2,17	Бекобод
51. «Северный маяк»	36,06	32,79	Ўрта Чирчиқ
52. «Қизил Узбекистон»	35,88	—	Оржоникидзе
53. «Октябрь 40 йиллиги»	35,36	21,50	Оққўрғон
54. «Гулистон»	35,12	12,61	Бўна
55. «Войтинцев номи	34,48	33,11	Оққўрғон
56. «Москва»	34,13	6,22	Янгийўл
57. Жамбул номи	33,69	25,00	Бўна
58. Фрунзе номи	32,61	21,27	Бўна
59. «Ленинбод»	32,56	18,76	Бўна
60. «Победа»	32,40	14,61	Бекобод
61. «Правда»	31,33	45,10	Юқори Чирчиқ
62. Тимирязев номи	31,27	27,49	Бўна
63. Калинин номи	30,94	14,85	Бўна
64. «Узбекистон ССР 30 йиллиги»	30,74	5,07	Янгийўл
65. Тельман номи	30,59	13,31	Бўна
66. Куйбишев номи	30,22	13,74	Оққўрғон
67. Минчурин номи	29,21	20,38	Бўна
68. «Политотдел»	29,03	30,70	Юқори Чирчиқ
69. Ленин номи	28,30	7,00	Бўна
70. Ленин номи	27,60	5,53	Бекобод
71. «Ленин йўли»	26,98	13,10	Ўрта Чирчиқ
72. К. Маркс номи	26,73	31,40	Юқори Чирчиқ
73. Ильич номи	26,10	16,23	Бўна
74. К. Маркс номи	25,30	21,46	Бўна
75. Охунбобоев номи	25,10	13,45	Бўна
76. Энгельс номи	24,55	10,29	Ўрта Чирчиқ
77. «Коммунизм»	24,46	4,13	Ўрта Чирчиқ
78. Навоий номи	24,05	1,88	Бекобод
79. «Октябрь 40 йиллиги»	23,88	24,60	Бўна
80. Даржинский номи	23,46	5,64	Бекобод
81. «Коммунизм»	22,11	16,95	Бўна
82. «Партия XX съезди»	22,09	8,89	Бўна
83. Свердлов номи	22,05	8,38	Ўрта Чирчиқ
84. Свердлов номи	20,97	6,22	Бўна
85. «Ленинизм»	20,37	10,77	Бўна
86. «Партия XIX съезди»	20,34	9,83	Бўна
87. Халқ номи	19,62	10,00	Бўна
88. «Ленин йўли»	19,57	9,79	Бўна
89. Ленин номи	18,12	4,78	Ўрта Чирчиқ
90. «Узбекистон»	16,09	15,10	Юқори Чирчиқ
91. Свердлов номи	9,22	7,96	Юқори Чирчиқ

СОВХОЗЛАР			
1. «Ленинград»	100,67	217,50	Бекобод
2. «Коммунизм»	58,32	75,50	Оққўрғон
3. «Узбекистон ССР беш йиллиги»	58,03	64,75	Оққўрғон
4. «Оққўрғон»	31,77	24,49	Оққўрғон
5. Ойбек номи	31,19	12,08	Бекобод
6. Киров номи ўқув хўжалиги	30,56	15,50	Ўрта Чирчиқ
7. 1-«Пискент»	27,51	20,59	Бўна
8. 3-«Далварзин»	25,03	6,07	Бекобод
9. Сегзабенов номи	24,23	18,86	Оққўрғон
10. «Кўкорол»	24,11	14,24	Бўна
11. «Бўна»	21,78	12,23	Бўна
12. 1-«Далварзин»	20,97	8,27	Бекобод
13. 2-«Пискент»	18,44	8,30	Бўна
14. 2-«Далварзин»	16,48	3,00	Бекобод



ОҚҚУРҒОН районидagi «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози пахта пунктларида «оқ олтин» хирмонлари тоғдек бўй чўзмақда. Суратда: пахта қабул қилиш пунктининг умумий кўриниши. Ж. Раззоқов фотоси.

ЧЕВАРЛАР

ЯНГИНҒУЛ. («Тошкент ҳақиқати» муҳбиридан). Район хўжаликларида кундан кунга терим суръати кўнайиб бормоқда. Колхозлар пахтага тез териб ва давлатга топишириш юзасидан бошланган социалистик мусобақада фаол қатнашмоқдалар. Ҳозир бу мусобақада райондаги «Партия XXI съезди» колхозининг деҳқонлари пешқадамлик қилмоқдалар. Колхознинг ҳамма участка ва эканларидида кундан кунга терим графикасини ошириб бажаришга катта эътибор берилганлиги сабабиди ҳам аниқ шундай ютуқлар кўлга киритилган. Бу ерда кунига 1,5 процентга етказиб пахта топиширилган. Деҳқонлар бу биз учун чегара эмас, оти янада қамчилаб кунига йиллик планнинг 2 процентини миқдорда ва ундан ҳам ошириб пахта топишириш таъминлашга бутун кўча ва ғайратини сарфлар эътибор қилишмоқдалар.

Колхознинг ҳамма участкаларида ҳам чевар теримчилар кўча. Биринчи Жданов номида участкада кунига юз килограммдан ошириб пахта топиширилган чеварларнинг соми ўнлаб ҳисобланади. Х. Холмирова, М. Илҳомова, Д. Мамажонова, Ф. Нурдодова, Д. Султонова каби теримчилар вақтдан самарали фойдаланиб 120-130 килограммга етказиб пахта теришган.

ЯнгиинҒуЛ пахтакорлар Шоймардон Қудратовнинг айтишларидида ташаббусини кўлаб-куватлаб пахта тайёрлаш планини муваффақият билан қисқа вақтда бажариш учун қизгин кураш олиб бормоқдалар.

КУНИГА 140—150 КИЛОГРАММДАН

Турдиниса пахтазор оралаб юрибди. У дугоналари билан ағат бошидан баъзавар тушган бўлса ҳам ҳаммадан олдинда. Чакон қўллари пешма-пеш пахтага териб етатка ташлайди. — Ҳай, Турдиниса, намунача илдам бўлмасанг-а? Қанча тез терсам ҳам ета олмаймак, сенга. Бугун ҳам нормани икки баъзавардан оширсан дейман? — ҳақлашди орқаронда пахта тераётган дугонаси Баргинис.

— Вой, ўртоқжон, оппоқ бўлиб очилган пахталарни қара. Терган сайин, тергинг келди. Ҳайратинг дарёдай тошди. Қанча кўп терсанг шунча яхши-да. Пахта плани тез бажарилса дейман-да...

Шу кунги Турдиниса 145 килограмм, Баргинис 140 килограмм пахта терди.

Ўрта Чирчиқ районидидаги Киров номидаги ўқув-таъриб хўжалигининг Раҳим Тожиев бошлиқ 3-бригада пахтакорлари пахтакорлари кунига 3—3,5 процентдан ошириб пахта топиширишга эришмоқдалар. Турдиниса Усмонова, Баргинис Қўчқорова, Ҳафиз Олимов ва Сунағилла Исмаилов каби илғор теримчилар кунига 140—150 килограммдан пахта териб, хирмонга барака киритмоқдалар.

П. ТОЖИЕВ.

Илғорларга қизил байроқлар

ПАХТА

Область партия комитети ва област икрия комитети районлар, колхозлар ва совхозлар ўртасида пахта тайёрлаш юзасидан 1969 йил октябрнинг биринчи ўн кунлиги якулини кўриб чиқиш қарор қилинди.

Ўзбекистон КП область комитети ва област икрия комитетининг кўмакида Қизил байроғи Оққурғон районига (район партия комитетининг секретари Тоиров, район икрия комитетининг раиси Обидов, қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғи Собиназаров, комсомол комитетининг секретари Хўжақулов, «Узсельхозтехника» райони бирлашмасининг бошқарувчиси Рогачев ўртоқлар) берилди. Бу район йиллик плани 45,57 процент миқдорда, шу жумладан машина терими планини 41,88 процент бажариш ва октябрнинг биринчи ўн кунлигида 37,29 процент шу жумладан машина теримида 35,80 процент ўстига эришган.

Байроқ ЯнгиинҒуЛ районидан олиб берилди.

Область партия комитети ва област икрия комитетининг кўмакида Қизил байроғи Бекобод районидида «Ленинград» совхозига (директори Ортиқов, партия ташкилотининг секретари Хожимирзаев, комсомол комитетининг секретари Дориев, ишчилар комитетининг раиси Ким, бош агроном Шарилов, бош инженер Умаров) қўйилди. Бу совхоз йиллик плани 100,67 процент, машина терими планини 111 процент бажаришга эришган ва октябрнинг биринчи ўн кунлигида 52,52 процент, машина теримида 111 процент ўстига таъминлаган.

Область партия комитети ва област икрия комитетининг кўмакида Қизил байроғи Оққурғон районидида «Заря коммунизма» колхозига (раиси В. А. Хан, партия ташкилотининг секретари Персеев,

комсомол комитетининг секретари П. Хан, колхоз раисининг механика ишлари бўйича ўринбосари Кан ва бош агрономи Ан Се Пам ўртоқлар) берилди. Колхоз йиллик плани 82,81 процент миқдорда, машина терими планини 93,80 процент миқдорда бажариш ва октябрнинг биринчи ўн кунлигида 72,82 процент ўстига, шунингдек машина теримида 81,11 процент ўстига таъминлаган.

Кўмакида Қизил байроғи Ўрта Чирчиқ районидида Охунбобоев номида колхоздан олиб берилди.

ЯнгиинҒуЛ район хўжаликларининг пахта териб ва тайёрлашда яхши ишлаганликлари қайд қилинди.

КАНОП

Область партия комитети ва област икрия комитети хўжаликлар ўртасида канопни йиғиштириб олиш, давлатга луб топишириш бўйича 1969 йил октябрнинг биринчи ўн кунлиги якулини кўриб чиқиш қарор қилинди.

Ўзбекистон КП область комитети ва област икрия комитетининг кўмакида Қизил байроғи Оққурғон районидида Димитров номида колхозга (раиси А. Ким, партия ташкилотининг секретари Л. Пак, бош агроном С. Қогай, бош инженери Р. Сои ўртоқлар) берилди. Колхоз йиллик каноп тайёрлаш планини 112,6 процент бажариш таъминлаган ва октябрнинг биринчи ўн кунлигида 31 процент миқдорда маҳсулот сотган. Давлатга 18 минг 913 тонна юқори сифатли каноп полси етказиб берган.

Кўмакида Қизил байроғи Ўрта Чирчиқ районидида «Полярная звезда» колхозидан олиб берилди.

Оққурғон районидидаги Ҳамза номида, Юқори Чирчиқ районидида «Ўзбекистон» колхозларининг каноп полсини йиғиштириб олиш ва давлатга луб етказиб беришда яхши ишлаганликлари қайд қилинди.

Халқаро ахвол

ЛЕНИНГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР

РИМ. (ТАСС). Шу йил октябр-ноябрь ойларида Фратто-Кесидеги (Римнинг бир райони) коммунизм проблемалари билан шугullanуви институтда Ленин таълимотининг бир қанча соҳаларига бағишланган назарий семинар ўтказилди. Бу семинарда «Ленин ва Интернационал», «Партия», «Империализм» ва бошқа шу каби масалалар муҳокама қилинади.

Семинар машғулотларида Италия Коммунист партияси раҳбарлигининг аъзоси А. Натта, Италия Коммунист партияси Марказий Комитетининг аъзолари А. Пезенти, Л. Группи ва Е. Ражоньери доклад қилишди.

Италия Коммунист партиясининг маҳаллий ташкилотларида ҳозир шу семинарга тингловчилар танланмоқда.

ФРАНЦУЗ ЖАМОАТЧИЛИГИНИНГ ЙИҒИЛИШЛАРИ

ПАРИЖ. (ТАСС). Франция Коммунист партияси коммунист ва ишчи партияларининг Москвада бўлиб ўтган халқаро кенгаши қарорлари ва ҳужжатларини тушунириб бериш мақсадида октябр-ноябрь ойларида француз жамоатчилигининг йиғилишларини ўтказишга қарор берди.

«Юманите» газетасининг хабар беришча, бу йиғилишлар Сен-Эн, Марсель, Тулуза, Шузани-Ле-Руа ва Дрансидида ўтказилди. Франция Коммунист партиясининг таниқли арбоблари, Франция Коммунист партияси Сийёс Бюросининг аъзоси Жорж Марше француз жамоатчилиги йиғилишларида сўзга чиқадилар.

ЧИКАГОДА АХВОЛ КЕСКИНЛАШДИ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Чикагодаги вазият кескинлашган ҳолмоқда. 9 октябрда бутун кун бўйи шаҳарда Вьетнамдаги урушга қарши ва Чикаго полициясининг шайқашлигига қарши норозилик намойишлари давом этди. Намойишда қатнашган қизлар колоннаси кеч-қурун Американинг Вьетнамдаги агрессиясига қарши норозилик билдириш учун шаҳардаги ҳарбий хизматга таъйинланган пунктлардан бирига қараб йўл олган эди. Полиция бу колоннадан ваҳшийларча қасос олди.


Маъмурият вазиятининг янада кескинлашувида кўриб, ҳозир шайқаш суратда «огоҳлантириш чоралари»ни кўрмоқдалар. Чикаго муниципалитетининг илтимосига кўра Иллиной штатининг губернатори Ричард Оуглви миңлиқ гвардияларининг уч миң кишилик отрядини жангга шай қилиб қўйди. Солдатлар шаҳар атрофидида қазармаларга жойлаштирилди ва улар Мэр Дэйлнинг биринчи ситгани биланқоқ урушга қарши ҳаракат қатнашчиларидан яна қасос ола бошлашлари керак.

ПАРТИЗАНЛАРНИНГ ЖАНГОВАР ОПЕРАЦИЯЛАРИ

ҚОХИРА. (ТАСС). Фаластиндаги «Алосиф» отрядларининг партия, заўрлари кейинги икки кун ичида Иордан дарёсининг ғарбий соҳида исроиллик бошқарушга қарши икки марта катта операция ўтказдилар ва уларнинг аскарлари ҳамда техникасига катта талафот етказдилар.

Бирлашган Фаластин кўмондонлигининг вакили қўйидагиларни айтди: партизанлар 9 октябрда утар нечаси Умм Ас-Сидра районида Исроилнинг кузатиш пунктини ўққа тутиб, ёндириб юбордилар. Бу операцияда партизанлардан икки киши ярадор бўлди, қолганлари эсон-омон ўз базасига қайтиб келди. Ас-Сувейма районида бўлган иккинчи тунашув на, тинимсиз Исроил солдатларидан кўп киши ўлдирилди ва ярадор қилинди.

Ҳарбий вакилнинг айтишча, душман партизаниларни курашда олдинчи уриниб йўрталди. Тўрт соат давом этган шайқашдан янгидан кейин партизанлар курашнинг ёриб ўтдилар. Душманга катта талафот етказилди.



ЧССР. Мартин шаҳридаги Словакия миллий кўзғолони номидидаги театр биноси.

ЧТК — ТАСС фотоси.

ИЛМИЙ АНЖУМАН

Яқинда Тошкентда СССР Фанлар академияси Умумийликлар физиологияси институтини билан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Экспериментал биология институтининг бириктирилган шўрхоқ ерларнинг табиятини чуқур ўрганиш ва унга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш ва шу асосда пахтачиликнинг ҳосилдорлигини ошириш масаласига бағишланган Бутунитти фок илмий конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияга Москва, Ленинград, Ерван, Киев, Одесса, Қозон, Уфа, Душанба, Фрунзе, Тбилиси ва бошқа шаҳарлардан 120 га яқин олим қатнашди. Конференция академик А. М. Музафаров кириш сўз билан очди.

Москвалик олим, биология фанлари доктори профессор В. Ш. Строгонов докладди зўр қизиқш билан тингилди. У, қишлоқ хўжалик эканлигига сульфат ва хлор тузлари таъсирининг физиологик асослари тўғрисида батафсил тўхталиди.

Илмий докладлар шунинг кўрсатдики, шўрхоқ ерларнинг шўрини камайтириш мумкин экан. Ер шўрини камайтириш юзасидан ишлаб чиқилган резолуцияда бу факторлар кўрсатиб ўтилди. Шўрхоқ ерларнинг табиятини ҳар тарафлама чуқур ўрганиш, аиниқса хлор ва сульфатли шўр ерларнинг ўсимликка, аиниқса пахтага таъсирининг физиологик биохимик асосларини тадқиқ этиш зарурлиги кўрсатилди.

Т. НАСИБОВ.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского областного КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

РЕДАКЦИЈА ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 836495. Редактор уринбосарлари — 835885, 836322. Машғул секретарь — 834808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 831396. Санъат, транспорт ва куралиш бўлими — 833786. Партия турмуши, ахборот ва спорт бўлимлари — 835811. Кишлар кўнчилиги, фан, маданият ва олий ўқув орғалари бўлимлари — 839050. Совет нуричилиги, маънавий хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — 838761. Катлар ва оммавий ишлар бўлими — 834048, Эълонлар бўлими — 838142.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг босмаханаси. Тошкент шаҳри.

Б. 2387. ИНДЕКС — 6469 Р. 16510.

Реклама ва Эълонлар

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 — Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 18.35 — Телеинженирлар, 18.50 — Салом, эртанги шаҳар (репортаж), 19.15 — Гамлет (балет филми, 1-серияси), 20.30 — Кўрсатишлар программаси.

Ўзбек тилида: 20.35 — Телеинженирлар, 20.50 — Машина терими илғорларига тенгласинг, 21.30 — Италия саҳналарига (кинолентина), 21.50 — Ўзувчилар — пахтакорлар кузурисида, 22.20 — Малом хат даҳабоева куйлайди.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўқув кўрсатишлар программаси

Рус тилида: 19.25 — Эстетика асослари. Эстетика фани нимани ўргатади.

20.00 дан — Москва кўрсатади.

Учинчи ПРОГРАММА

18.00 дан — Душанба кўрсатади.

Театр

ҲАМЗА НОМИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/Х да Мирзо Улугбек, 15/Х да Парвона. ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Совет циркининг 50 йиллигига бағишланган юбилей программаси. Ёвбойи ҳайвонлар аттракциони.

Кино

Осмондан тушган беш ниши — «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОНИ номи, «ВОСТОК» (кундуз ва кеч-қурун). САЊАТ САРОНИ (эрталаб соат 11 ва кундуз 1 да).

Бошлиқ 12 да келди — «ЎЗБЕКИСТОН 25 йиллиги», «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кеч-қурун).

Комедиянтлар (1 ва 2-серия) — САЊАТ САРОНИ (кундуз соат 3; кеч 6 ва 8-45 минутда).

Ёшлиқ — бебошлиқ (Ўзбек тилида) — НАВОНИ номи (кундуз соат 1-20 ва кеч 6-10 минутда).

«ЎЗБЕКОБЩЕСТВО» таълимчиларда ишлаш учун инженер ва техник электрчилар, бухгалтерлар, ҳисоблаш асбоблари ремонтчи ва бошқариш бўйича электрослесарлар, ҳисоблаш асбобларини ўрнатиб бўйича электромонтерлар, электротехник хисоби бўйича контроллерлар, машинистлар, ҳисоблаш асбоблари ремонтчи ва бошқариш бўйича электрослесарлар ҳамда электротехник хисоби бўйича контроллерлар касбига шогирдлар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи ваътбай-муқофот тариқасида тўланади. Мувожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 1-Май кўчаси, 101-уй (1, 2, 3, 4, 5, 12, 13, 14, 18-трамвайларнинг «Дизельная», 1, 3, 13-троллейбусларининг «Темир йўл бошқармаси» бекети).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Киров кўчаси, 11)

СОВЕТ ЦИРКИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ЮБИЛЕЙ ПРОГРАММАСИ «ЯУЛАРС ВА ЕПЛАРЛАР» АТТРАКЦИОНИ

Ўргатувчи — Бутуниттифок кўриги лауреати Виктор ТИХОНОВ.

АНИК, ОВЧАРКА, ҚУТОСЛАРНИНГ ЭКЗОТИК АТТРАКЦИОНИ.

Ўргатувчи — Виталий ТИХОНОВ ва совет цирки усталирининг катта байрам программалари. Таниқли махарабозлар РОХИШЕВ ва СУВОРОВ қатнашадилар.

Тошқонлар кеч соат 8 да бошланади.

Шанба кунлари икки марта — кундуз соат 3 ва кеч 8 да, душанба кунлари уч марта — кундуз соат 12, 3 ва кеч 8 да томоша кўрсатилади.

Олдиндан билет сотиш хасаси очил.

Ўзбекистон ССР ва Тошкент шаҳар давлат омонат хасаси ҳамда давлат кредити бошқармалари коллективини Ўзбекистон ССР давлат омонат хасаси ва давлат кредити бошқармаси бошлиғи С. А. Отабековга эри Наби Бобоевич ҚАРИМОВНИНГ вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бизнинг АДРЕС:

Тошкент, Права Востока кўчаси, 26-уй.

ГАЗЕТХОНЛАР ДИҚҚАТИГА

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИГА 1970 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. ОБУНА БАРЧА АЛОҚА БЎЛИМЛАРИДА, ҚОРХОНА ВА ҚУРИЛИШЛАР, КОЛХОЗ-СОВХОЗЛАР ВА МУАССАСАЛАРДА

ЖАМОАТЧИ МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Газетанинг 3 ойлик обуна баҳоси 1 сўм 32 тийин, 6

ойга — 2 сўм 64 тийин, 1 йилга — 5 сўм 28 тийиндир.

Н. БАРУ, АПН футбол шарҳчиси.